

Мисрда Қуръон ўргатиш мактаблари сони 990 та етди



09:09 / 22.06.2019 2885

Бу ҳақда хабар берган Миср Вақф вазирлиги сўнгги кунларда бутун мамлакат бўйлаб қўшимча яна 38 та янги Қуръон ўргатиш мактаблари очилган ва шу билан жами мактаблар сони 990 тага етган. Бу борада маълум қилган “Ахбори явм” ахборот сайти вазирлик томонидан қатор ишлар бажарилаётганини эслатиб ўтади. Вазирликнинг изоҳ беришича, ушбу мактабларни очишдан кўзланган асосий мақсад, Қуръони каримга беминнат хизматни давом эттириш, ёшларни турли носоғлом қарашлардан ҳимоя қилиш, уларнинг Қуръоний билимларини мустаҳкамлашдан иборатдир. Шунингдек вазирлик, мамлакатдаги барча ота-оналарга мурожаат этиб иссиқ ёз таътилида фарзандларини ушбу мактабларга бериб, уларнинг илмларини оширишга ёрдамчи бўлишга чақирмоқда.